

**Санитария-эпидемиологик
осойишталик ва жамоат саломатлиги
Сурхондарё вилоят бошқармасининг
2022 йил 18 апрелдаги
37-т-сон буйруғига 7-илова**

**Контрагентларни текширишга оид
ЙЎРИҚНОМА**

I. Умумий қоидалар.

1. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Санитария- эпидемиологик ва жамоат саломатлиги бошқармаси (кейинги ўринларда - Ташкилот) томонидан харид қилиш тартиб таомиллари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартнома тузишда иштирокчиларни мажбурий текширишнинг (кейинги ўринларда Харид жараёнлари иштирокчиларини текшириш) асосий талаблари, тартиби ва усуллари белгилайди.

2. Харид жараёнлари иштирокчиларини текширишнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

Ташкилот ходимларининг манфаатлар тўқнашуви ва шахсий манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий хатарларни ва инсофсиз ижрочи билан шартнома тузиш хатарини камайтириш;

харид жараёни иштирокчисининг шартномада белгиланган товарларни етказиб бериш ёки хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш имкониятини баҳолаш;

Контрагент билан шартнома тузиш тўғрисидаги қарорни тегишли даражада эҳтиёткорлик билан қабул қилиш.

4. Харид жараёнлари иштирокчиларини текшириш хариднинг барча иштирокчилари, шу жумладан, улар ўртасидаги алоқа мавжудлиги эҳтимоли нуқтаи-назаридан ҳам амалга оширилади.

5. Текширув ушбу Йўриқноманинг 7 ва 8-бандида кўрсатилганлардан ташқари барча янги контрагентларга нисбатан, шунингдек амалдаги контрагентларга нисбатан камида бир йилда бир марта амалга оширилади.

6. Ушбу Йўриқноманинг 7 ва 8-бандида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, контрагент текшируви натижалари бўйича хулосани олмасдан туриб шартномани имзолаш ва (ёки) тўловларни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

7. Электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион шаклида ўтказилган харидлар бўйича контрагентлар текширилмайди.

8. Шунингдек, текширув қуйидаги контрагентларга нисбатан амалга оширилмаслиги мумкин:

Коммунал ва бошқа шу каби хизматларни (шу жумладан, электр таъминоти, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти, муҳандислик-техника таъминоти, сув таъминоти, сув чиқариш, оқава сувларни тозалаш, қаттиқ маиший чиқиндиларни утилизация қилиш (кўмиш) тармоқларига уланиш), шунингдек давлат томонидан тартибга солинадиган товарлар (ишларнинг, хизматларнинг) нархлар (тарифлар)

бўйича етказиб берувчи ҳисобланган контрагентлар;

Ўзбекистон Республикасининг табиий монополиялари ҳисобланган контрагентлар.

9. Ушбу Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ижрочи - Ташкилотда тузилган харид комиссияси аъзолари;

контрагент - Ташкилотнинг харид жараёнлари доирасида шартномавий муносабатларга киришишни режалаштираётган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

контрагент/контрагентнинг бенефициар эгаси (якуний бенефициар) - контрагентнинг хусусий эгаси бўлган ёки ушбу Контрагент учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, қабул қилинаётган қарорларга таъсир кўрсатиш ёки бошқача тарзда унинг ҳаракатларини бевосита ёки билвосита назорат қилиш ҳуқуқи ёки имкониятига эга бўлган жисмоний шахс;

коррупциявий ҳаракатлар - ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ёки олиш ёхуд бунда воситачилик қилишда, расмийликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

манфаатлар тўқнашуви - Ташкилот ходимининг шахсий манфаати (бевосита ёки билвосита) хизмат вазифаларини тегишли тарзда бажаришига таъсир кўрсатаётган ёки кўрсатиши натижасида ходимнинг шахсий манфаати билан Ташкилот манфаатлари ўртасида зиддият юзага келган ёки келиши мумкин бўлган вазият;

махфий ахборот - бу олиниши, ишланиши, узатилиши ёки фойдаланилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки ахборот эгасининг ички ҳужжатларига мувофиқ чекланадиган ҳар қандай шаклдаги ахборот;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги - Ташкилот ходими, унинг яқин қариндоши ёки ходим билан боғланган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат вазифаларини тегишли тарзда бажаришига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ва номоддий қадриятлар, бошқа мулк, фойда, имтиёз ва афзалликлар кўринишидаги шахсий фойда олиш.

яқин қариндошлар - қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари.

II. Текширувни бошлаш тартиби, текширув учун талаб қилинадиган ҳужжатлар ва ахборот манбалари

10. Харид жараёни доирасида унинг иштирокчиларини текшириш харид комиссияси томонидан иштирокчилар берган таклифлар солинган конвертларни баҳолаш учун очилганидан кейин, бироқ харид қилиш тартиб- таомиллари яқунлари бўйича ғолиб бўлган таклифнинг акцепти тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар амалга оширилади.

11. Харид жараёни доирасида қонунчилик ва муддатларга риоя қилиниши устидан текширувни амалга ошириш учун маъсул - тегишли Харид комиссия раиси ёки шартнома ташаббускори ҳисобланади (агар харид тўғридан-тўғри шартнома бўйича амалга оширилаётган бўлса).

Бунда, ижрочи Харид комиссия раиси томонидан тайинланади.

12. Контрагентлар текшируви ижрочи томонидан ҳужжатлар ташаббускоридан ушбу Йўриқноманинг 16-бандида кўрсатилган ҳужжатлар олинган санадан 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

13. Текширувни белгиланган муддатларда ўтказиш имкони бўлмаган тақдирда, унинг давомийлиги Харид комиссияси раиси билан келишилган ҳолда 3 кундан ортиқ бўлмаган муддатга ёзма шаклда узайтирилиши мумкин.

14. Контрагентларнинг текширувини шошилиш тартибда ўтказиш зарурияти мавжуд бўлган ҳолларда, ташаббускор томонидан шошилишчилик асосланган, текширувни ўтказишнинг зарур муддатлари кўрсатилган хизмат хати билан Харид комиссиясига мурожаат қилинади. Шошилиш текширув ўтказишга Харид комиссияси қарори асосида йўл қўйилади.

15. Контрагентларни текшириш учун ҳужжатларни тўплаш ва тақдим қилишга Харид комиссияси раиси ёки ташаббускор (агар харид тўғридан - тўғри шартнома бўйича амалга оширилаётган бўлса) маъсул бўлади.

16. Контрагентни текшириш учун ижрочига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

контрагентнинг ўзи ушбу Йўриқномага 1-иловага мувофиқ шаклда тўлдирган якуний бенефициарлари тўғрисидаги маълумотнома; контрагентдан олинган ҳужжатлар нусхаси (ушбу Йўриқномага 2-илова);

контрагентнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатлари нусхаси (сиёсатлар, низомлар, ҳуқ-ахлоқ қоидалари, коррупцияга қарши дастурлар ва б.).

17. Ушбу Йўриқноманинг 16-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиш мажбурий ҳисобланади, коррупцияга қарши курашиш бўйича контрагентнинг ички ҳужжатлари ва якуний бенефициарлар тўғрисидаги маълумотлар бундан мустасно. Контрагент коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатлар ва якуний бенефициарлар тўғрисидаги маълумотни тақдим этишни рад этган тақдирда, ташаббускор бу ҳақда Контрагент устидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида текширувни амалга оширадиган ижрочига хабар беради.

18. Контрагентдан олинган барча ҳужжатлар нотариал тарзда ёки контрагентнинг ваколатли вакили томонидан тегишли тарзда тасдиқланган бўлиши лозим. Тақдим этиладиган ҳужжатлар амал қилаётган бўлиши, давлат реестрлари ҳужжатлари эса текширув санасига қадар 30 (ўттиз) кундан ортиқ бўлмаган муддатда олинган бўлиши керак.

19. Контрагентни текшириш учун маълумотлар тўплаш ижрочи томонидан контрагент, унинг эгалари ва раҳбарлари, фаолияти тўғрисида яхлит ва ҳолис фикрга эга бўлиш, шунингдек, ундан олинган ҳужжат ва маълумотларнинг ишончлилиги, шу жумладан, уларнинг ишончсизлиги бўйича белгилар йўқдигини (сохталаштириш аломатлари мавжуд эмаслигини) баҳолаш учун амалга

оширилади.

Контрагентларни текшириш доирасида ижрочи қуйдагиларни таҳлил қилади:

контрагент томонидан тақдим этилган ахборот ва ҳужжатлар. Ушбу Йўриқномага 2-иловада кўрсатилган ҳужжатларни контрагентдан олиш имкони бўлмаганда ёки олинган ҳужжат ёки ахборотларнинг ишончли эмаслиги (сохталаштирилгани) белгилари мавжуд бўлган ҳолларда, ижрочи контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосада тегишли белги қўяди.

Очиқ манбалардан олинган маълумотлар. Ижрочи 3-иловада кўрсатилган ахборот манбаларидан фойдаланиши мумкин. Ушбу рўйхат тавсиявий бўлиб, зарурият туғилганда ижрочи бошқа манбалардан фойдаланиши мумкин.

Тегисли Ташкилотларга расмий сўровнома юбориш йўли билан олинган ҳужжатлар;

Ташкилотнинг ички ресурслари, шу жумладан, контрагентлар текширувлари реестри, ходимларнинг манфаатлар тўқнашуви реестри ва бошқалар.

20. Контрагентни текшириш учун ишлатилган манбалар қонунийлик ва холислик талабларига жавоб бериши керак.

21. Зарур бўлганда, ижрочи текширув давомида контрагентларни жойига чиқиб, ўрганиши мумкин. Бу каби текширувни ўтказиш учун ижрочи харид комиссия раиси билан келишиши лозим.

Текширув давомида Ташкилот раҳбари (ваколатли вакили) билан баённомаси тузилиб, унда контрагентдан олинган, дастлаб ижрочи томонидан асл нусхалари билан таққосланган ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари санаб ўтилади. Олинган ҳужжатлар нусхаларининг ва (ёки) контрагентнинг ваколатли вакили томонидан тақдим этилган изоҳлар рўйхати текширилаётган контрагентнинг ваколатли вакили ва ижрочи томонидан имзоланган алоҳида рўйхат кўринишида расмийлаштирилиши ва йиғилиш баённомасига илова қилиниши керак.

III. Контрагентларни текшириш методологияси

22. Контрагентларни текшириш қуйдаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

1) контрагентнинг ҳуқуқ лаёқати, молиявий барқарорлиги, ишончилиги ва у билан бўлган ўзаро муносабатлар тарихини текшириш, шу жумладан:

а) шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

б) шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

в) солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

г) контрагентларга нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

д) инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

е) контрагентнинг иш соҳасидаги обрў-эътибори ва манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текшириш.

Кўрсатилган йўналишлар бўйича текширув ўтказиш мажбурий ҳисобланади. Текширув йўналишлари рўйхати ҳар бир алоҳида ҳолатда ижрочининг харид комиссияси қарори билан келишилган талаби билан кенгайтирилиши мумкин. Бунда, текшириш йўналиши давлат харидларини тартибга солувчи қонунчиликка зид бўлиши ва (ёки) рақобат тамойилларини чеклашга олиб келишига йўл қўйилмаслиги лозим.

23. Ижрочи фойдаланиш мумкин бўлган ахборот манбаларининг таҳлилин аналга оширади ва 25-27-бандларда кўрсатилган ҳар бир йўналишга нисбатан контрагентнинг текширув натижалари тўғрисида хулосада кўрсатилган маълумотларнинг бор ёки йўқлигини белгилайди.

24. Ушбу Йўриқнома амалга киритилгунга қадар шартномавий муносабатларда бўлган амалдаги контрагентни текширишда ижрочи бундан аввалги шартномавий муносабатларнинг давомийлиги, ушбу контрагент билан тажрибаси ва унинг Ташкилот билан аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажаришдаги ҳалоллигини текширади.

Янги контрагентни текширишда ижрочи контрагент томонидан шу каби шартномаларнинг бажарилганлиги тўғрисидаги ахборот ва бошқа буюртмачилар (мижозлар) берган тавсияномаларни таҳлил қилади ҳамда имкон даражасида ушбу контрагентнинг бошқа мижозлари олдидаги шартномавий мажбуриятларини бажаришдаги ҳалоллигини текширади.

25. Контрагентнинг ҳуқуқ лаёқатини, молиявий барқарорлиги, ишончлилиги ва у билан бўлган муносабатлар тарихини текшириш доирасида ижрочи қуйидаги маълумотларни аниқлайди:

Тадбиркорлик субъектларининг Ягона реестрида контрагентнинг борлиги; контрагентнинг юридик ва амалдаги манзили;

контрагент раҳбари ва таъсисчиларининг Ф.И.Ш.;

контрагент асосий фаолият турининг харид предметиға мувофиқлиги;

контрагент фаолиятини тугатиш, қайта ташкил этиш, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

контрагентда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда лицензияланиши керак бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун зарур лицензиялар (рухсатномалар)нинг мавжудлиги;

контрагентда очиқ ахборот, тақдим этилган ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисобдорлигига мувофиқ, асосий маблағлар, хусусий капитал, ходимлар ва бошқа техник, молиявий, моддий ва ўз мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

контрагент номидан Ташкилот билан шартномавий муносабатларға киришаётган шахсда тегишли ваколатнинг мавжудлиги;

контрагент махсус ахборот порталида инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестриға киритилмаганлиги;

Контрагентнинг сўнгги икки йил ичида Ташкилот олдидаги шартномавий мажбуриятларнинг ўз вақтида бажармаганлиги ёки уларнинг лозим даражада бажармаганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд эмаслиги;

Контрагентда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги.

26. Контрагентнинг иш соҳасидаги обрў-эътиборини текшириш доирасида ижрочи қуйидаги маълумотларни аниқлайди:

очиқ ахборот манбаларида контрагент, унинг мулкӣ эгалари, шу жумладан бенефициар мулкӣ эгалари ёки раҳбарларнинг фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупция билан боғлиқ жиноятлар ёки бошқа ноқонуний фаолиятда иштирок этганлиги тўғрисидаги ахборот мавжуд эмаслиги;

контрагент раҳбарига нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа давлат органларида қораловчи маълумот ёки материалларнинг мавжуд эмаслиги;

контрагент, унинг мулкӣ эгалари ёки бош директор (бошқарув органлари аъзолари) ва бошқа раҳбарларнинг жиноий гуруҳлар, экстремистик ва террористик Ташкилотлар билан ўзаро алоқаси мавжуд эмаслиги;

контрагентнинг иш муомиласи одатлари ва коррупцияга қарши кураш масалаларини тартибга солувчи тартиб-таомил ва сиёсатларнинг мавжудлиги;

контрагентнинг мулк эгалари ёки раҳбарларига (бошқарув органлари аъзолари) нисбатан унинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган жиноят ишлари мавжуд эмаслиги;

контрагент, унинг мулк эгалари ёки бошқа раҳбарлари тўғрисида бошқа салбий маълумотлар мавжуд эмаслиги.

27. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, ижрочи ушбу Йўриқноманинг 1- иловасига мувофиқ шаклда тўлдирилган контрагентнинг якуний бенефициарлари тўғрисидаги маълумотномада акс эттирилган маълумотларнинг тадибиркорлик субъектлари Ягона давлат реестри маълумотларига мувофиқлигини текширади. Ушбу текширув Контрагентнинг раҳбарлари ва таъсисчиларига нисбатан ҳам амалга оширилади. Шунингдек, ижрочи манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки йўқлигини қуйидаги мезонлар бўйича текширади:

контрагентнинг ягона ёки мулкӣ эгаларидан бири, шу жумладан, бенефициар мулкӣ эгаси - бу Харид жараёнининг бошқа иштирокчиси раҳбари ёки унинг яқин қариндоши эмаслиги;

контрагентни танлашда иштирок этувчи ташаббускор ёки Ташкилотнинг бошқа ходимлари ёки уларнинг яқин қариндошлари унинг устав капиталидаги оммавий айланмада бўлмаган акциялари ёки ҳиссаларига ёки контрагентнинг Республика фонд биржасида ёки яна бошқа бир фонд биржасида оммавий айланмада бўлган қимматли қоғозларининг 5% дан ортиқ эгалик қилмаслиги;

контрагентни танлашда иштирок этувчи ташаббускор ёки Ташкилотнинг бошқа ходимлари ёхуд уларнинг яқин қариндошлари контрагент бошқарув кенгаши таркибига кирмаслиги ёки унинг фаолияти натижаларидан шахсий манфаатдорликка, шу жумладан уларнинг инвестицияларини амалга оширишда эга бўлмаслиги;

контрагентни танлашда иштирок этувчи ташаббускор ёки Ташкилотнинг бошқа ходимлари ёхуд уларнинг яқин қариндошлари контрагентда раҳбарлик лавозими ёки қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ лавозимларда ишламаслиги;

контрагент ва Харид комиссияси аъзолари ўртасида аффилиланганлик алоқаларининг мавжуд эмаслиги;

манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган бошқа шароитлар.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини текширишни ижрочи контрагентлар томонидан тақдим этилган маълумотларни манфаатлар тўқнашувини доирасида Ташкилот ходимлари томонидан акс эттирилган ва тегишли реестрга киритилган маълумотлар билан таққослаш орқали амалга оширади.

V. Текширув натижаларини расмийлаштириш

28. Ўтказилган текширув натижалари бўйича ижрочи ушбу Йўриқномага 4-иловада келтирилган шаклда хулоса тузади. Контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосага ижрочи ўтказилган таҳлил натижалари ва тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни илова қилади.

29. Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви аломатлари аниқланган тақдирда ижрочи уни тартибга солиш зарурияти тўғрисида Харид комиссияси раиси ёки ташаббускорга таклиф киритади. Агар манфаатлар тўқнашуви аломатлари Ташкилот ходимларида аниқланган бўлса, бу ҳақда Коррупцияга қарши ички назорат гуруҳси (кейинги ўринларда - Ички назорат гуруҳси)ни хабардор қилади. Манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслиги бўйича ўтказилган таҳлил яқунлари ва уни тартибга солиш бўйича чоралар ҳам контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосада акс эттирилади.

30. Хатар индикаторлари аниқланганда ижрочи контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосада аниқланган хатарларни камайтиришга йўналтирилган контрагент билан ишлаш бўйича тавсияларни таклиф қилади ва акс эттиради (масалан, шартнома бўйича аванс тўловларига тақиқни киритиш ва бошқа).

31. Ижрочи контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосани Харид комиссияси раиси ёки ташаббускорга тақдим этади. Харид комиссияси раиси ёки ташаббускор олинган хулосани харид иштирокчисини танлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш доирасида ҳисобга олади, бу ҳақда харид комиссияси ёки контрагент билан тўғридан-тўғри шартнома тузишдаги баённомада тегишли ёзув киритилади.

32. Контрагент ва Ташкилот ходими ўртасида реал манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган тақдирда, у Харид жараёнини давом эттиришдан олдин Ташкилотда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички ҳужжатга асосан тартибга солиниши керак. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш имкони бўлмаган тақдирда, контрагент харид жараёнида иштирок этишдан четлатилиши лозим.

33. Агар тўғридан-тўғри харидлар доирасида контрагентни текшириш натижаларига кўра, коррупциявий хавф-хатарнинг мавжудлигини ёки коррупцияга қарши курашиш тизимининг йўқлигини кўрсатувчи маълумотлар аниқланса, у ҳолда контрагент билан шартнома тузиш эҳтимоли ҳақидаги қарор Ташкилот раҳбари томонидан қабул қилинади.

34. Контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулоса мажбурий тартибда харид қилиш жараёнлари натижалари тўғрисидаги қарор қабул қилиш, шартнома бўйича келишиш ва тўловларни амалга ошириш учун талаб этилувчи ҳужжатлар пакетига қўшиб қўйилади.

35. Текширув натижалари тўғрисидаги хулоса чиққанидан бошлаб уч иш

кунидан кечиктирмай Ички назорат гуруҳси бу ҳақидаги маълумотни ушбу йўриқномага 5-иловага мувофиқ шаклда Контрагентларни текшириш реестрига киритади.

36. Контрагентларни текшириш реестри ва контрагентларни текшириш натижалари, шунингдек, текширув учун ариза, контрагентни текшириш натижалари тўғрисидаги хулоса, контрагентлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда ижрочи томонидан тегишли манбалардан олинган маълумотлар контрагент билан шартнома муносабатлари тўхтатилган кундан бошлаб камида 3 (уч) йил Ички назорат гуруҳсида сақланади.

37. Контрагентларни текшириш реестри ва контрагентларни текшириш натижалари, шунингдек, текширув учун ариза, контрагентни текшириш натижалари тўғрисидаги хулоса, контрагентлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда ижрочи томонидан тегишли манбалардан олинган маълумотлар конфиденциал бўлиб, Ташкилот ходимларига ва хизмат вазифалари ва ваколатлари бундай маълумотлардан фойдаланишни ўз ичига олмаган бошқа учинчи шахсларга ошкор қилинмайди.

VI. Якуний қоидалар

38. Контрагентларни текшириш жараёни доимий равишда Ички назорат гуруҳси томонидан мониторинг қилиб борилади.

39. Давлат харидлари ва коррупцияга қарши қонунчиликнинг ушбу йўриқномага таъсир қиладиган нормалари ўзгарганда, ушбу Йўриқнома қайта кўриб чиқиши керак.

40. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Якуний бенефициарлар тўғрисида
(харидлар иштирокчиси) *
МАЪЛУМОТНОМА

№	Ф.И.Ш.	Туғилган санаси	Шахснинг роли (раҳбар/таъсисчи / якуний бенефициар)	Шахс раҳбар /таъсисчи/ якуний бенефициар бўлган давр	Иштирок этиш улуши (фақат 5 фоиздан ортиқ улушга эга таъсисчилар учун), фоизда
1.					
2.					
3.					
4.					
5.					
6.					
7.					

**сўнгги икки йил учун тўлдирилади.*

Ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. _____

Харид иштирокчисидagi ваколатли шахснинг лавозими

Маълумотнома тузилган сана _____

Контрагентдан текшириш учун сўраладиган ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикасида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган контрагентлардан талаб қилинадиган ҳужжатлар:

т/р	Ҳужжат номи	Юридик шахс (ЮШ) / Якка тартибдаги тардбиркор (ЯТТ)	Янги контрагент	Жорий контрагент
1.	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси.	ЮШ / ЯТТ	Мажбурий	н/п
2.	Солиқ ҳисобига қўйиш, шу жумладан СТИР тўғрисида маълумотлар.	ЮШ / ЯТТ	Мажбурий	Мажбурий
3.	Юридик шахсларнинг ягона Давлат реестрига киритиш тўғрисида маълумот.	ЮШ / ЯТТ	Мажбурий	Мажбурий
4.	Устав ва бошқа таъсис ҳужжатларининг нусхаси.	ЮШ	Мажбурий	Ўзгариш бўлганда сўраб олиш
5.	Паспорт нусхаси	ЯТТ	Мажбурий	Ўзгариш бўлганда сўраб олиш
6.	Ишончнома	ЮШ / ЯТТ	Мажбурий	Мажбурий
7.	Контрагент эгалиги гуруҳси, бунга бенефициар мулкӣ эгаларни ҳам ҳисобга олган ҳолда барча мулк эгалари киритилади	ЮШ	Мажбурий	Ўзгариш бўлганда сўраб олиш
8.	Сўнгги ҳисобот йили учун бухгалтерия ҳисоботи ёки сўнгги ҳисобот йили учун аудиторлик хулосаси	ЮШ / ЯТТ	Мажбурий	Мажбурий
9.	Кўрсатилган ишлар/ хизматларни бажариш учун малакали кадрларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот (хат ва / ёки тасдиқловчи ҳужжатлар шаклида тақдим этилиши мумкин)	ЮШ	Мажбурий	Ўзгариш бўлганда сўраб олиш
10.	Мувофиқлик лицензиялари ва сертификатлари	ЮШ / ЯТТ	Сотиб олинган товарлар/ишлар/хизматлар турига қараб мажбурий	Сотиб олинган товарлар/ишлар/хизматлар турига қараб мажбурий

Контрагентларни текшириш учун очик ахборот манбалари

1. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар тўғрисидаги маълумотларни текшириш Давлат хизматлари агентлиги платформаси https://fo.birdarcha.uz/s/ru_landing
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси - <http://registr.stat.uz/>
3. Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали
<https://my2.soliq.uz/main/info/debtors?lang=uz>
4. Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар портали - <https://data.gov.uz/ru>
5. Тошкент шаҳар ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси <http://kadastr.uz/ru/>
6. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри - <http://xarid.uz/unfairexecutor>
7. Иқтисодий, маъмурий, жиноий ва фуқаролик судларининг суд ҳужжатлари
<https://public.sud.uz/#!/sign/view>
8. Офшорзоналар рўйхати - <http://www.fatf-gafi.org/publications/high-risk-and-other-monitored-jurisdictions/documents/call-for-action-february-2021.html>
9. АҚШ махсус тоифадаги ва тақиқланган шахслар рўйхати (ёки WorldCheck маълумотлар базаси) - <https://sanctionssearch.ofac.treas.gov/>

Ушбу рўйхат ижрочи томонидан текшириш учун тавсия этилган манбалар рўйхати бўлиб, зарур бўлганда кенгайтирилиши мумкин.

Контрагентни текшириш ҳақидаги ҳисобот

1.	Иштирокчининг исми				
2.	СТИР				
3.	Рўйхатга олинган сана				
4.	Юридик ва амалдаги манзили				
5.	Раҳбарнинг ФИШ				
6.	Таъсисчиларнинг ФИШ				
7.	Якуний бенефициарларнинг ФИШ				
8.	Иштирокчи тадбиркорлик субъектларининг Ягона Давлат реестрида бор	Ҳа	Р	Йўқ	Р
9.	Иштирокчидан имзо чекувчи шартнома тузишга ҳақли	Ҳа	Р	Йўқ	Р
10.	Иштирокчининг асосий фаолияти харид предметиға мос келади	Ҳа	Р	Йўқ	Р
11.	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда қарздорликларнинг йўқлиги	Ҳа	Р	Йўқ	Р
12.	Иштирокчига нисбатан жорий этилган қайта ташкил этиш, тугатиш (ликвидация), банкротлик тартиб-таомилларининг йўқлиги	Ҳа	р	Йўқ	Р
13.	Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида иштирокчи ҳақида ёзувнинг йўқлиги	Ҳа	Р	Йўқ	Р
14.	Вазирлар Кенгаши тизимида иштирокчи билан ишлашнинг аввалги салбий таърибасининг йўқлиги	Ҳа	Р	Йўқ	Р
15.	Иштирокчи хариднинг бошқа иштирокчилари билан аффилланмаган	Ҳа	Р	Йўқ	Р
16.	Манфаатлар тўқнашуви / иштирокчининг Ташкилот Кенгаши тизими ходимлари билан аффилланганлиги ҳақида маълумот йўқлиги	Ҳа	Р	Йўқ	Р
17.	Аниқланган манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш чора-тадбирлари	Манфаатлар тўқнашувларини тартибга солиш чора-тадбирлари тадбирлари тавсифи			
18.	Коррупцияга оид қоидабузарликлар эҳтимоли ҳақида маълумотлар	Мавжуд эмас / Манба: [ҳавола], [Харид жараёнлари иштирокчисининг коррупцияга оид қоидабузарлиги/ порхўрлиги тафсифи]			
19.	Иш соҳасидаги обрўсининг салбий омиллари эҳтимоли ҳақида маълумотлар	Мавжуд эмас / Манба: [ҳавола], [ишчанлик обрўсининг салбий омиллари тавсифи]			
20.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳужжатларнинг мавжудлиги (веб-сайтда тақдим этилган ёки мавжуд)	Ҳа	Р	Йўқ	Р
21.	Иштирокчининг сайти	Мавжуд эмас/ Сайтнинг манзили: [ҳавола], фаол / фаол эмас			
22.	Иштирокчи мавжудлиги муддати(йилларда)				
23.	Иштирокчининг молиявий, моддий, техник, кадрлар ва бошқа	Ҳа	Р	Йўқ	
24.	Иштирокчи текшириш учун барча зарур ҳужжатларни тақдим этган	Ҳа	Р	Йўқ	
	Агар тақдим этмаган бўлса, тақдим этилмаганларини кўрсатинг:				
25.	Ҳисоботга илова қилинган бошқа материаллар				
	а)[Ҳужжат / материалнинг қисқача тавсифи]				
	б) Хатарлар аниқланганлигини (ҳа, йўқ) ва, агар шундай бўлса, қандай хатарлар ва уларни қандай камайтириш мумкинлигини кўрсатинг				
	[Ҳужжат / материалнинг қисқача тавсифи]				
	в)[Ҳужжат / материалнинг қисқача тавсифи]				
	г)[Ҳужжат / материалнинг қисқача тавсифи] ва б.				

Текшириш натижалари асосида асосий хулосалар ва кузатишлар

Харид жараёни иштирокчисини текширишни амалга оширган ходим ҳақида маълумотлар.

Ф.И.Ш.

Лавозими

Ҳисобот тузилган сана

Лотнинг рақами

Имзо

**Харид жараёнлари иштирокчиларини/контрагентларни текшириш
реестри**

[illegible]